

---

## МАРҒИЛОН ШАҲРИДА ТЕЗКОР ЧИҚИШ БРИГАДАЛАРИ УЗЛУКСИЗ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА

Марғилон шаҳар Электр таъминоти корхонасидаги куз-қиш мавсумига ташкил этилган тезкор чиқиш бригадалари томонидан ҳудудларда юзага келаётган фавқулодда узилишларни бартараф этиш ҳамда олдини олиш бўйича тун-у, кун амалий ишлар олиб борилмоқда.

Айни вақтда, Марғилон шаҳрининг айрим ҳудудларини электр энергияси билан таъминловчи 10 кВли "Янги Марғилон-2" электр узатиш тармоғида таъмилаш, 33-сонли трансформатор пунктидаги носоз электр қурилмаларни янгилаш ҳамда "Милтиқсоз" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 81-сонли трансформатор пунктида юзага келган аварияни бартараф этиш ишлари бажарилмоқда.

2023-12-18 14:27:35